

PhD, в.б. проф. Шерзод Қиёсов
Тошкент молия институти

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация.Мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси вазифалари ҳамда солиқ тизими модернизациясининг қўшимча чора-тадбирлари ижросидан келиб чиқиб жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиётининг ҳозирги ҳолати, унинг муаммолари ва тортишувли масалалари ҳамда унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари кўриб чиқилган. Кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларида амал қилувчи ижтимоий иқтисодиёт концепцияси халқ турмуш фаровонлигини ошириш, камбағаллик ва кам таъминланганликнинг ўсишига йўл қўймаслик заруриятдан келиб чиқади. Шунинг учун мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар замирида аҳоли даромадларига нисбатан мослашувчан солиқ сиёсатини юритиш мақсади ётади, у бозор ислохотларининг ҳар бир босқичида иш ҳақини кўпайтириш, даромадлар миқдорига боғлиқ равишда максимал солиққа тортиш сиёсатини қўллаш, кучли ижтимоий ҳимоя ҳамда кам даромадли аҳолига трансферт тўловлар миқдорини кўпайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида жисмоний шахслардаромадларини солиққа тортиш амалиётини бошқаришнинг концептуал асослари ва иқтисодий самарадорлиги мезонлари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг концептуал асослари масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида жисмоний шахслардан даромадларидан олинadиган солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқлар ва солиққа тортиш, ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати, аҳоли даромадлари, аҳоли даромадларининг ташкил топиш манбалари, даромад даражасига кўра аҳоли қатламларининг табақаланиши, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, жисмоний шахслар, жисмоний шахслар даромад солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи элементлари, жисмоний шахслар даромадидан солиқ тўловчилари, солиқ объекти, солиқ

базаси, солиқ даври, солиқ ставкаси, прогрессив ставка, пропорционал ставка, ягона ставка, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаш тартиби, солиқни тўлаш тартиби ва муддатлари, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими самарадорлиги, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини мукамаллаштириш йўналишлари.

ON THE PROSPECTS OF THE SYSTEM OF TAXATION OF INCOME OF INDIVIDUALS

Abstract.Based on the implementation of the objectives of the concept of improving the tax policy and additional measures to modernize the tax system in the Republic of Uzbekistan, the article examines the current state of the practice of taxing personal income, its problems and controversial issues, and also considers ways to increase its effectiveness. The concept of social economy, applicable at all stages of the development of human society, proceeds from the need to improve the well-being of people and prevent the growth of poverty and deprivation. Therefore, the reforms carried out in our country are based on the goal of conducting a flexible tax policy in relation to the income of the population, which is aimed at raising wages at each stage of market reforms, applying a policy of maximum taxation depending on the amount of income, strong social protection and increasing the amount of transfer payments.

At the same time, the article discusses the conceptual foundations and criteria for the economic efficiency of managing the practice of taxing the income of individuals at the present stage of economic liberalization and modernization in the Republic of Uzbekistan. The questions of the conceptual basis of levying taxes from individuals in the perspective of the country's socio-economic development are considered. In the tax system of the Republic of Uzbekistan, the possibilities of improving the mechanism for levying taxes on the income of individuals have been studied and recommendations have been developed.

Key words: taxes and taxation, socially oriented tax policy, income of the population, sources of income of the population, stratification of the population by income level, poverty, poverty reduction, individuals, individual income tax, elements of individual income tax, payers of individual income tax, object of taxation, tax base, tax period, tax rate, progressive rate, proportional rate, single rate, tax benefits, tax calculation procedure, tax payment procedure and terms, efficiency of the system of taxation of personal income, directions for improving the system of taxation of personal income.

Кириш

Маълумки, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш орқали улар турмуш шароитини яхшилашни солиқ механизми орқали рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Ҳозирда аҳолининг янада тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш, даромадларини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш аҳамиятининг ўсганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларидан солиқ маъмуриятчилигини мукаммаллаштиришда 1 январь 2020 йилдан кучга кирган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сонли “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”[2] муҳим ҳукукий-меъёрий асос ҳисобланади.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларни ҳал қилиш учун республикаимизда солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида текис тақсимлаш, мавжуд имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш, аҳолининг реал даромадларини оширишда солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланган жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда махсус иқтисодий адабиётларда ва кундалик матбуотда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш масаласида турлича фикрлар билдириляётир (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий адабиётларда жисмоний шахслар даромадидан солиқ мазмунининг талқини*

т/р	Жисмоний шахслар даромадларидан солиқ зарурлигининг талқини	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
Хорижлик муаллифлар			
1.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ структураси ҳар бир давлатнинг солиқ тушумлари ва даромадлар қайта тақсимланиши самарадорлигини аниқлаш билан бир қаторда, ишчиларнинг расмий иш билан таъминланиши орқали иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатади	Маттео Морино, Симон Пилегино	Matteo Morino, Simone Pilegrino. Personal income tax reforms: A genetic algorithm approach. European Journal of Operational Research. https://www.scienced.com/science/article/pii/S0377221716306142 .
2.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ бўйича ягона ставканинг жорий этилиши даромадларни тўлиқ қамраб олиб, даромадлар самарадорлигини таъминлаши мумкин	Сорен Бломгуст, Лоурен Симула.	Soren Blomquist, Laurent Simula. Marginal deadweight loss when the income tax is nonlinear. Journal of Econometrics, http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304407618302343
3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджетидаги ўрнини ва солиқ имтиёзларини тадқиқ этган, имтиёзларнинг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрнини ўрганган	Харли Л.Лутс	Harley L. Lutz "The privilege of personal income taxation". Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. StableURL: http://www.jstor.org/stable/41786912
Маҳаллий муаллифлар			
4.	Давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибидан жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг тутган ўрни ёритилган	М.Хайдаров	М.Хайдаров Жисмоний шахслар даромадларидан солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиба // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2010, №7, 40-49-б.

т/р	Жисмоний шахслар даромадларидан солиқ зарурлигининг талқини	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
5.	Жисмоний шахслар даромадларидан солиқ - фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловларидир.	Э.Гадоев	Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили. // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2015, №1, 30-37-б.
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - давлат бюджети даромадининг энг асосий манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.	С.Худайберганава	Худайберганава С.К. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таҳлили// // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2019, №4, 33-38-б.
7.	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи Ўзбекистондаги тўғри солиқларнинг бир тури ҳисобланади. Бу солиқҳозирги даврда жисмоний шахсларнинг умумий даромадидан фоиз ставкаси сифатида ҳисобланади.	Р.Хусаинов	Хусаинов Р.Р. Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортишни ислоҳ қилиш муаммолари. // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2018, №6, 43-48-б.
8.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет-солиқ муносабатларининг кичик тизими сифатида, хусусан, уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш учун давлат бюджетига олиб қўйиш жараёнида юзага келган муносабатларни ўзида акс эттиради.	А.Бозоров	Бозоров А.А. Ўзбекистонда жиемский шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғини иқтиссий-математик усулларда ифода этиш. // «Иқтиссий-математик инновацион технологиялар» илмий электрон журналы, 2017, №4, 23-28-б

* Адабиётлар шарҳи асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Умуман, муаллифларнинг чиқишларида “жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади” тушунчаси солиқ тизимининг шаклланиши

давридан буён ишлатилиб келинаётган бўлсада, бироқ ҳозирга қадар унинг мазмунини ёритишнинг мунозаралилиги сақланиб қолаётир ва мазкур тушунча таърифи қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаганки, бу нарса мавжуд ёндошувлар ва уларнинг мазмунлари тавсифини аниқлаштиришни талаб этади. Аввалги ишларимизда жисмоний шахслар даромадларидан солиқ маъмуриятчилигига ойдинлик киритган эдик. Унга мувофиқ, жисмоний шахслар даромадларидан солиқ маъмуриятчилиги - яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда солиқ тўловчи ва солиқ органларининг ҳамкорликда ўсишга эришишнинг солиқ ҳолатини жорий этиш орқали солиқ мажбуриятларини бажаришнинг ихтиёрийлигини таъминлашга қаратилган жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини давлат томонидан бошқариш жараёнидир.[3]

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар улар даромадларининг муайян қисмини давлатнинг марказлашган фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджетини даромадларини шакллантириш билан бир вақтда ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳамда жисмоний шахсларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади. Мазкур солиқ асосий элементларини тадқиқ этиш амалдаги солиқ қонунчилиги асосида белгиланади (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармонида солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқиши лозимлиги белгилаб берилган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси” маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Стратегияда белгиланганидек, 2021 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчилар сонини 1,5 баравар оширишга эришилди.

1-расм. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг асосий элементлари¹



¹Амалдаги солиқ қонунчилигини ўрганиш асосида муаллиф ишланмаси.

2017-2021 йилларда мамлакатимизда ижтимоий индикаторлар ўзгариши - аҳолиси сони, ЯИМ, давлат бюджети даромадлари ва энг кам иш ҳақининг ўсиши юқори бўлишига қарамасдан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ЯИМ ва давлат бюджети даромадларидаги улуши пасайиш тенденциясига эга эканлиги, нисбатан кенгроқ мушоҳада юритишни талаб этади (2-жадвал).

2-жадвал


Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий кўрсаткичлари ва ижтимоий индикаторлари таркибида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тушумлари улушининг динамикаси таҳлили²

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
		2017	2018	2019	2020	2021	
1.	ЯИМ, млрд сўм	249136,1	326900,0	524200,0	580278,6	734623,9	2,9
2.	Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	44500,0	62229,5	112300,0	128 460,0	147 202,3	3,3
3.	Энг кам иш ҳақи, сўм	149775	172240	223000	223 000	270 000	1,8
4.	Аҳоли сони, минг киши	32121,7	33254,1	33900,0	34558,9	35271, 28	1,1
5.	Жисмоний шахслар даромадидан солиқ, млрд сўм	4967,2	6398,8	12425,1	15 140,8	18 917,7	3,8
6.	Жисмоний шахслар даромад солиғининг давлат бюджети даромадларидаги улуши, фоизда	10,3	8,4	11,1	11,8	12,9	2,6
7.	Жисмоний шахслар даромад солиғининг ЯИМдаги улуши, фоизда	1,8	1,6	2,4	2,6	2,6	1,4

3-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2017-2021 йилларда ялпи ички маҳсулот 2,9 марта (485487,8 млрд сўмга ошган), Давлат бюджети даромадлари 3,3 марта (102702,3 млрд сўмга ошган), энг кам иш ҳақи 1,8 марта (120,225 минг сўмга ошган), жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ 3,8 марта (13950,5 млрд сўмга ошган), аҳоли сони эса 1,1 марта ўсган (3149,59 минг кишига ошган). Демак, ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аҳолининг даромадларини изчил ортиб бориши кузатилаётган бўлса-да, жисмоний шахслар даромад солиғи

²Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўйича тушумларнинг ўсиш суръати давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръатига нисбатан паст даражада бўлмоқда. Ушбу ҳолат аввало, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ бўйича ставкаларни оптималлаштирилиши эвазига солиқ юкинининг қисқариб борганлигидан далолат беради. Буни энг кам иш ҳақининг ўсиш суръатини юқорилиги ҳам тасдиқлайди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг “махсус” модели³

³Муаллиф ишланмаси

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш категориясининг кўп жабҳалилиги уни самарали бошқаришга бевосита таъсир этадики, бу ҳолат жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш тизимини мукаммаллаштириш мақсадида солиқ амалиётини самарали бошқаришни тадқиқ этишнинг ўзгача аппаратини қўллашни талаб этади.

Жаҳон солиқ амалиётининг бой ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг “ижтимоий йўналтирилган” махсус моделини қўллаш мос келади (2-расм). Бунинг учун солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили устуворлиги, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бирламчи аҳамиятга эгалиги асосида солиқ муносабатлари иштирокчилари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлашнинг солиқ органлари фаолияти учун ҳамда жисмоний шахслар фаолияти учун аҳамиятли бўлган янги мезонлари ва кўрсаткичларини, улардан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқиш лозим.

Ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг махсус моделига айнан тизим сифатида ёндашувгина оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар харажатларини камайтиришга ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга замин яратади.

Бунинг учун солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили устуворлиги, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бирламчи аҳамиятга эгалиги асосида солиқ муносабатлари иштирокчилари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлашнинг солиқ органлари фаолияти учун ҳамда жисмоний шахслар фаолияти учун аҳамиятли бўлган янги мезонлари ва кўрсаткичларини, улардан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқиш лозим.

Ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этиш мақсадида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг махсус моделига айнан тизим сифатида ёндашувгина оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар харажатларини камайтиришга ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга замин яратади.

Хулоса

Умуман, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

1. Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати асосида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш

тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “жисмоний шахсларни даромадларини адолатли солиққа тортиш” тушунчаси мазмунига тизимли ёндашувга асосланган ҳолда бу соҳадаги мавжуд камчиликлар ёритилиши ва уларни бартараф этиш юзасидан давлатнинг тезкор тадбирлари тизими ишлаб чиқирилиши лозим. Дарҳақиқат, амалдаги солиқ конунчилиги ва давлат солиқ сиёсатида бу соҳада жузъий камчиликлар мавжуд, жумладан:

- ижтимоий адолат ва ижтимоий йўналтирилганликнинг аниқ белгилари, солиқ тўловчи учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келмайдиган яшаш учун даромаднинг минимал даражаси расмий белгилаб қўйилмаган;

- солиққа тортишни амалга ошириш билан давлат ўзи эришадиган ижтимоий мақсадларни аниқ ифодаламаётир;

- “эришиш лозим бўлган ёки намунали турмуш тарзи”ни аниқлаш ва уни ўлчаш мезонларида аниқлик йўқ.

Бунинг оқибатида, давлат солиқ сиёсати кўпроқ давлатнинг ижтимоий функциялари бажарилишини таъминлашга ҳамда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга эмас, балки кўпроқ жорий фискал эҳтиёжларни қондиришгагина қаратилмоқда.

2. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиётида давлатнинг ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати янгича мазмунига мос тарзда солиққа тортиш тамойилларини такомиллаштириш лозим. Ушбу масалада мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш тизими фаолиятида ижтимоий адолат ижроси таъминланишининг тамойилларини илмий асослаш ҳозирги кунда муҳим ҳаётий зарурият ҳисобланади.

Маълумки, жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг бюджет даромадлари таркибидаги улушини ошириш истиқболлари нуқтаи-назаридан солиқларни ундириш, солиқ ставкаларини аҳолининг турмуш даражасига мос қилиб белгилаш, солиқ тўловчилар солиқ маданияти ва солиқ ҳақидаги билимларини янада ошириш, солиқ хизмати ходимларининг касб этикаси, билим, кўникма ва малакаларини тўғри шакллантириш каби муҳим масалаларни самарали ҳал этиш учун, авваломбор, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришдек муҳим вазифани ҳал этиш талаб қилинади.

3. Жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг бюджет даромадлари таркибидаги улушини ошириш истиқболлари нуқтаи-назаридан солиқларни ундириш ҳамда солиқ ставкаларини аҳолининг турмуш даражасига мос қилиб белгилашнинг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб,

ЖШДСТ тизимини такомиллаштириш истиқболлари учун қуйидаги икки таклифни беришни лозим топдик:

- ЖШДСТнинг фискал аҳамиятини ошириш тадбири учун икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахсларнинг иккинчи ва кейинги даромад манбаларини солиққа тортишда амалдаги ставкага оширувчи коэффициентларни қўллаш лозим ва бу билан мазкур солиқнинг фискал ижродаги иштироки ва улуши ошишига эришилади;

- “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да эълон қилинган шароити “оғир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ушбу ҳудудлардаги жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда пасайтирувчи коэффициентларни қўллашни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3. Matteo Morino, Simone Pillegrino. Personal income tax reforms: A genetic algorithm approach. European Journal of Operational Research. <https://www.scienced.com/science/article/pii/S0377221716306142>.

4. Soren Blomquist, Laurent Simula. Marginal deadweight loss when the income tax is nonlinear. Journal of Econometrics, <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304407618302343>

5. Harley L. Lutz “The privilege of personal income taxation”. Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>

6. Хайдаров М. Жисмоний шахслар даромадларидан солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиба // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2010, №7, 40-49-б.

7. Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили. // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2015, №1, 30-37-б.

8. Худайберганова С.К. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таҳлили// // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2019, №4, 33-38-б.

9. Хусаинов Р.Р. Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортишни ислоҳ қилиш муаммолари. // Иқтисод ва молия. Экономика и финансы. 2018, №6, 43-48-б.

10. Бозоров А.А. Ўзбекистонда жиемсий шахсларнинг иш хэкидан слинадиган даромад солиғини иктиссдий-математик усулларда ифода этиш. || «Иктиссдиёт вэ иннсвацисн технологиялар» илмий электрон журнали, 2017, №4, 23-28-б

11. Kiyasov Sh.U. Improving the Quality of Tax Administration Is a Key to Ensuring the Objectives of The Individual Income Tax Reform //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2022. – Т. 30. – №. 2. – p. 437-445.